

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИ МАСАЛАЛАРИ

Мадалиев Я.Х.,
*M.Ауэзов номидаги ЖҚУ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Истиқлол даври тараққиётда тамомила янги босқични бошлаб берди. Шу туфайли кишилар онгига ўтмишга, тарихда яшаб ўтган турли сиймолар фаолияти ва ижодига холисона, тўғри муносабатда бўлиш масъулияти шаклланди. Бу билан илм-фан олдига ҳам янги-янги вазифалар қўйиладики, бу шубҳасиз, филологиянинг кейинги тараққиётига ҳам алоқадордир. Маълумки, ҳар бир фаннинг таълимидан кўзланган бош мақсад муайян соҳа бўйича етук мутахассис тайёрлашга қаратилгандир. Худди шунингдек, филология илми таълими эса бўлажак мутахассисда, аввало, идрокий тафаккурни такомил топтиришни бош мақсад қилиб олади. Пировард натижада, миллий мафкура талабларига мос равишда мутахассис, шахс ва баркамол инсонни вояга етказиш мумкин бўлади. Шу маънода бўлажак филологларга берилаётган билимлар ва бунинг келажакдаги самараси ҳақида айрим мулоҳазаларни билдириш ўринли кўринадики, биз қуйида шу ҳақда айрим фикрларни билдириб ўтмоқчимиз.

Таълим жараёнида турли аспектдаги таҳлилларда фойдаланилади. Бу талабаларга муайян фанларнинг ўтилишида билим бериш учун зарур. Матнинг турли аспектлардаги таҳлили амалга оширилаётган бир пайтда филологик таҳлил ҳақида сўз юритиш, уни оммалаштириш мухимлигига эътибор қаратиш, бу ҳақида келажак пойдевори бундёдкорлари - филологликка дъявогар талабаларга тушунча бериш заруриятига нима учун кун тартибидаги долзарб масала сифатида қаралмоғи лозим?

Муаммонинг илмий-методик ечими масаласида шуни айтиш мумкинки, бизга маълум ва амалда бўлган режага кўра адабиётшунослик ва тилшунослик алоҳида фанлар сифатида ўқитилиб келинмоқда. Ундан кўзланган мақсад эса, эслатилганидек, тил ва адабиётнинг систем- структур ҳусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган. Дейлик, агар белги соф лингвистик (грамматик) нуқтаи назардан қараладиган бўлса, албатта унинг ифода ва мазмун фанлари муайян методлар асосида ўрганилади. Бироқ у матн доирасида ўрганиладиган бўлса, унинг функция плани ҳам тадқиқ этиладики, аксарият ҳолатларда, асосан шу билан чегараланиб қолинмоқда.

Кўринадики, ҳар қандай матннинг асосини унинг материали бўлган тил ҳусусияти ташкил этади. Бинобарин, таҳлил бу жиҳатсиз тўлақонли бўлиши

мумкин эмас. Бироқ унинг поэтик томони ҳам мавжудки, мазкур ҳолат умумфилологик нуқтаи назардан ёндашувни талаб этади. Умуман олганда, таълимда фанлараро ва соҳалараро боғланиш масаласи долзарб. Бинобарин, унинг ечими назарий фикрларнинг амалиёт билан боғлиқлиги, замонавий билм бериш масаласи, талабани мустақил фикрлашга ўргатиш, матннинг аспектлардаги таҳлили амалга оширилаётган бир пайтта "филологик таҳлил" тушунчасини оммалаштириш бу ҳақида келажак пойдевори бунёдкорлари бўлган филологикка даъвогар талабаларга тушунча бериш заруриати юқорида билдирилган фикрларнинг далилидир.

Қозоғистонда 900 мингга яқин ўзбек миллати истиқомат қиласиди. Туркистон вилоятида 121та ўзбек мактаби бор. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари сони 520 та, шулардан 180 таси нафақа ёшида, юқори синф ўқувчилари эса 79998та. Чимкент шаҳрида 32 та умумий ўрта мактаб ва 5 та хусусий ўзбек мактаби бор. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг сони 130 та, шулардан 48 таси нафақа ёшида. Жами 158 та мактабда 650 та ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бор. Шулардан 228 таси нафақада, юқори синф ўқувчилари сони 94988 та. Атоқли Авар шоири Расул Гамзатовнинг «Она тилимдан айрилсам, бугун ўлимга тайёрман», деган сўзи қалбимда муҳрланиб қолган деган сўзидан бошқа сўз топа олмаяпман.

Тўғри, ўзбек тили Қозоғистон давлати учун миллий тил эмас, лекин ўзбек миллати учун бутун дунёдир. Ўзбек тили миллатнинг тили, ўзбек миллий маданиятининг кўзгусидир.